

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
АМОНАВИЙ БОШЛАНҒИЧ ВА
ПЕДАГОГИК ТАЪЛИМ:
АРИЙ ВА АМАЛИЙ ИННОВАЦИОН
ТАДҚИҚОТЛАР

Правка
25

# ФАНЛАРАРО ИЗЧИЛЛИК ВА АЛОКАДОРЛИК ЎКУВЧИ КОГНИТИВ ЖАРАЁНЛАРИ ТАРАККИЁТИДА МУХИМ ОМИЛ

***Рахмонова Д.М.***
*БухДУ ўқитувчиси*

**Резюме**

Маколада бошлангич таълимда узлуксизлик ва узвийлик масаласи бола шахсининг шаклланишида мухим ўрин тутиб, ўкувчиларни ижтимоий хаёт хамда мехнат фаолиятига тайёрлайди, шунингдек, навбатдаги таълим боскичида билим олишини давом эттириш учун зарур бўлган билим, кўникма ва малакаларни пухта ўзлаштиришини таъминлайди.

**Калит сўзлар:** узлуксиз, узвийлик, фанлар аро богликлик, таркибий элемент.



**Резюме**

В статье рассматривается преемственность в начальном образовании играет важную роль в формировании личности ребенка, подготавливает учащихся к общественной жизни и работе, а также обеспечивает полное овладение знаниями, навыками и компетенциями, необходимыми для продолжения обучения на следующем этапе обучения.

**Ключевя слова:** преемственность, преемственность, междисциплинарная связь, составной элемент.

**Summary.**

The article examines the continuity in primary education plays an important role in shaping the personality of the child, prepares students for social life and work, and also provides full mastery of the knowledge, skills and competencies necessary to continue learning at the next stage of education.

**Key words:** continuity, continuity, interdisciplinary communication, an integral element.

Республикамизда таълим сохасидаги давлат сиёсатининг асосий тамойиллари сифатида таълим ва тарбиянинг инсонпарвар, демократик характерда эканлиги, таълимнинг узлуксизлиги ва изчиллиги, умумий ўрта, шунингдек ўрта махсус, касб-хунар таълимининг мажбурийлиги, ўрта махсус, касб-хунар таълимининг йўналиши: академик лицейда ёки касб-хунар коллежида ўкишни танлашнинг ихтиёрийлиги, таълим тизимининг дунёвий характерда эканлиги, янги давлат таълим стандартлари доирасида таълим олишнинг хамма учун очиклиги, таълим дастурларини танлашга ягона ва табакалаштирилган ёндошув, билимли бўлишни ва истеъдодни рагбатлантириш, таълим тизимида давлат ва жамоат бошкарувини уйгунлаштириш кабилар белгилаб берилган.[7]

Узлуксиз таълим тизимида тизимлилик ва изчиллик ва фанлараро алокадорлик принципи мухим ахамият касб этади. У таълимда маълум мантикий изчиллик бўлиш зарурлигини билдиради, чунки билимлар ворислик характерига эга. Билим олишдаги тизимлилик ва изчиллик хамда алокадорлик назария ва амалиётнинг бирлиги, Давлат таълим стандартлари, уларга мос равишда ўкув дастурларини яратиш ва таълим-тарбия жараёнига боскичма-боскич жорий этиш билан таъминланади.

Дархакикат умумий ўрта таълим тизимида таълим жараёнлари ўзаро бир-бири билан боглик, лекин алохида олинган мустакил таркибий элементлардан хам иборат. Таълимнинг таркибий элементларига таълим – тарбия максадлари, вазифалари, омиллари, таълим мазмуни, ташкилий шакллари, методлари, воситалари ва шарт-шароитлари киради. Шуни алохида таъкидлаш лозимки, таълим-тарбия максадларида баркамол авлодни – аклан етук, маънавий бой, жисмонан бакувват мустакил республикамиз халк хўжалигининг турли сохаларида унумли мехнат кила оладиган шахсни тарбиялаш назарда тутилади ундан ташкари ўкувчиларни амалий фаолиятга тайёрлашнинг маълум бир даражадаги боскичлари хам хисобланади. Шунга асосан умумтаълим мактабларида ўкувчиларга умумий мехнат тайёргарлиги, чукурлаштирилган политехника ва касбга йўналтирилган мехнат тайёргарлигини бериш максад килиб кўйилган. Дарс ўтишда фанлараро богликликни таъминлашнинг педагогик ахамияти шундаки, у ўкув - тарбия жараёнини барча элементлари: мазмуни, шакл, усул ва воситаларини яхлит тарзда бирлаштириб, унинг самарали бўлишига ёрдам беради.

Узвий алокадорлик деганда ўкув жараёнининг бир компонентидан иккинчисига йўналган бир томонлама алокадорлик тушунилади. Масалан, кандайдир аник бир ўкув предмети бўйича назарий материалнинг лаборатория ва амалий иш мазмуни билан узвий алокадорлиги ёки машгулотнинг алохида боскичлари орасидаги алокадорлик. Алокаларнинг универсал шакли, ўрганилаётган компонентлари орасидаги ўзаро таъсир икки томонлама йўналган бўлса, узвий ўзаро алокадорлик деб аталади. Бунга мисол сифатида педагоглар ва ўкувчилар орасидаги ўзаро таъсирни кўрсатиш мумкин. Баъзи холларда ўзаро таъсирда диккат-эътибор

[7] Косимова К., Матчонов С., Гуломова Х., Йўлдошева Ш., Сапаева Ш. Она тили ўқитиш методикаси. – Т.

Инструменты Мобильный вид Общий доступ PDF в DOC



*ASSALOMU ALAYKUM!*

*HURMATLI HAMKASBLAR*

Sizni 2020 - yil 29- may kuni soat 10:00 da **«Zamonaviy boshlang'ich va pedagogik ta'lim: nazariy va amaliy innovatsion tadqiqotlar»** mavzusidagi Respublika onlayn ilmiy-amaliy anjumaniga taklif etamiz.

Ilmiy-amaliy anjumanda ZOOM dasturi orqali quyidagi manzilda ishtirok etish mumkin:

https://us02web.zoom.us/j/89010335644?pwd=REIJSEMrY0dpRzBVNVNYbDJKQ1ZIZz09

Konferensiya identifikatori: 890 1033 5644

Parol: 572256

**$09^{50}$ – $10^{00}$ – Onlayn ro'yxatga olish**

**$10^{00}$ - $10^{05}$ – Anjumanning ochilishi**

**Nurullayeva Shahlo O'ktamovna**
Qarshi davlat universiteti Pedagogika fakulteti dekani,
Pedagogika fanlari nomzodi, dotsent

$10^{05}$ – $11^{00}$ – Ma'ruzachilar:

**1. Bo'lajak pedagog kadrlarda kasbiy e'tiqodni shakllantirishning o'ziga xos xususiyatlari**

**Oripova Nodima Xalilovna**
Qarshi davlat universiteti Pedagogika fakulteti
Maktabgacha ta'lim kafedrasi mudiri
Pedagogika fanlari nomzodi, dotsent

**2. Umar Xayyomning "Navro'znoma" asari – milliy tarbiya omili sifatida**

**Aslonova Orzigul Primovna**
Qarshi davlat universiteti Boshlang'ich ta'lim kafedrasi katta o'qituvchisi.
Pedagogika fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD)

**3. Malaka oshirish tizimida innovatsion metodlarni amaliyotgajoriy etish**

**Shodiyeva Matluba Jurayevna**
Qashqadaryo viloyat XTXQTMOHM "Maktabgacha, boshlang'ich va maxsus ta'lim metodikalari kafedrasi mudiri, pedagogika fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD)

**4. Fanlararo izchillik va aloqadorlik o'quvchi kognitiv jarayonlari taraqqiyotida muhim omil**

**Rahmonova Dilfo'za Mahmudovna**
Buxoro davlat universiteti Pedagogika kafedrasi o'qituvchisi

**5. Bos... oshirishda A... foydal...**

**Kazakova Marhabo Qudratovna**
Qarshi davlat universiteti Boshlang'ich ta'lim kafedrasi doktaranti

**6. Boshlang'ich sinf o'quvchilarida "tabiatshunoslik" darslarida tushuncha va tasavvurlarni shakllantirishning metodik sharoitlari**

**Qahhorova Maftuna Ulug'bek qizi**
Qarshi davlat universiteti
Boshlang'ich ta'lim va sport tarbiyaviy ish yo'nalishi talabasi

**7. Ta'lim va tarbiya jarayoniga ijtimoiy-psixologik iqlimning bola(o'quvchi)da taraqqiyotining dastlabki davri sog'lom-bola shakllanishining boshlang'ich imkoniyati**

**Razzakova Maftuna**
Buxoro davlat universiteti Pedagogika fakulteti Pedagogika va Psixologiya yo'nalishi talabasi

**Muhokama**
**Yakuniy xulosalar va takliflar**